

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби



«ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ КАДРЛАРИНИ КИШИЛАРГА МЕҲРИБОНЛИК БИЛАН МУНОСАБАТДА БУЛИШ, МЕҲНАТКАШЛАРДАН ТУШАДИГАН ИЛТИМОСЛАР, ИСТАКЛАР ВА ТАКЛИФЛАРНИНГ ЎЗ ВАҚТИДА ТУҒРИ ҲАЛ ЭТИЛИШИ УЧУН ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ТАДБИРЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ АМАЛГА ОШИРСИНЛАР».

(КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг ҳатлари ва таклифлари билан ишлашни янада ахшиллаш тадбирлари тўғрисидаги қароридан).

Хурматли редакция! Шу йил 11 март кuni Муқимий номидаги театрга спектакль кўриб, маданий ҳордиқ чиқариш учун борганим. Лекин театрда маданий ҳордиқ чиқариш ўрнига кайфиятимиз бузилиб қайтди. Негаки, ўша кuni қўйилган «Лайли ва Мажнун» спектаклига билет олиш учун анча қийналдик. Ахир иккита ўрин кўрсатилмаган билет олиб, залга кирдик. Бизга ўхшаган билетларда ўрин кўрсатилмаган томошабинлар кўп экан. Улар қатори бизга ҳам стул қўйиб беришди. Спектакль бошлангандан кейин анча вақт ўтганига қарамай, залда томошабинлар кам эди. Ярим соатлардан кейин 30 га яқин ҳунар-техника ўқув юрти талабалари кириб келишди. Томошабинларнинг эътибори бўлиниб, кайфияти бузилди. Бунинг устига ўша кuni микрофон ҳам яхши ишлаганини туйфайли актёрларнинг овози унчалик эшитилмади. Залдан «қаттиқроқ», «эшитмайлмиз» деган лўқмалар эшитилиб турди.

7 март кuni кундузи соат 4 да қўйилган спектаклда ҳам ана шундай томошабин асабига тегадиган вазиятлар бўлган эди. Бунинг устига театр атрофи, зиналар, ўриндиқлар ифлос, қозғол парчалари ташланган. Хўш, маданият масканидаги бундай тартибсизликларга қачон чек қўйилади! Ахир театр маданий ҳордиқ маскани бўлиши керак-ку!

Л. УМАРОВА,
124-болалар боғчаси методисти.

Меҳнат қонунида битилган | Хатга эътибор-элга эътибор | Илтимос негарад этилди? | Оқсаётган қурилиш ташвишлари

ШАРТНОМА ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА БЕКОР БЎЛАДИ?

Биз Тошкент Давлат университетидан сирдан ўқиб билан бирга, тўқимачилик комбинатига икки йил муддатга меҳнат шартномаси тузиб, ишга кирган эдик. Шартнома муддати тугаганига қарамай, маъмурият бизни «яна олти ой ишлайсизлар», деб ишдан бўшатмапти. Маъмуриятнинг туган йўли тўғрими? Д. ИБРОҲИМОВ, Б. ЖҲРАЕВ, Х. ЖУМАЕВА, Г. РАЙИМҚУЛОВА.

А. ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон қасаба союзулари республика Советининг штатсиз консултанти

— Амалдаги меҳнат қонунига асосан маълум муддатга тугаган меҳнат шартномаси, қонунда белгиланган ҳар қандай муддатга 3 йилдан ошмаслиги шарт билан тугилиши мумкин. Бундай шартнома муддати тугаши билан томонлардан бири (маъмурият ёки ходим) шартномани бекор қилишни талаб қилмасдан ходим ишдан давом эттирса шартнома муддати уявтирилган ҳисобланади.

Мен 1980 йилда 1-пояфзал фабрикасида иш-ранжитди. «III группа инвалиди бўлганимда» кирганим. 1982 йилда II группа инвалиди ишга олардим, дейишди. Шу тўғрими! Ахир беришди. Ешилгимдан иккала ойгим куйиб ишлашим керак-ку! Нима қилсам бўлади! Менга натижасида қаттиқ жараҳатланган эди. Ҳозир маслаҳат бериш. Протезда юрарман. Фабрикага — ўзим ишлаган жойга қайта ишга олишмагани мени қаттиқ

— Фабриканинг собиқ ишчиси М. Зухуро ва ишга жойлаштириш мақсадида ҳақиқатан ҳам кадрлар бўлимига бир неча бор мурожаат қилган. Аммо унинг II группа инвалиди эканлиги, махсус шартларда ишлаши лозимлиги, шунингдек у мурожаат қилган пайтда бундай шартнома шартларида ишлаш учун

Маликани негасарсон қилишди? С. АЮПОВ,
Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

буш жой йўқлиги сабабли уни ишга қабул қилмагандик. Медисина комиссиясидан ўтгандан сўнг, врачлар ҳулосасига кўра у контролёр бўлиб, шунда ҳам ўтириб ишлаш режимига қатъий риоя қилган ҳолда ишлаши мумкинлиги аниқланди. Аини пайтда М. Зухуро ва учун ана шундай шартнома шартларида ишлаш мумкинлиги аниқланди. Театр атрофидаги территория ободон-чилик масаласига

ҲАМ КУЛАСИЗ,
ҲАМ КУЯСИЗ

ХИЖОЛАТЛИ УЧРАШУВ

Электр жиҳозлари билан савдо қиладиган магазинда анчадан бери кўришмай юрган икки дўст учрашиб қолишди. — Бу дейман Сафаржон, Бешқайрағоч массивига кўчиб борганимизга ҳам анча йил бўлди, шендилди, — сўради Карим дўстидан. — Ҳа, зилзила бўлган йили қуруқ ер

олган эдик. Ҳшандан бери шу ерда турибмиз. — Хўш, ўзларидан сўрасак, нима юмуш билан кирган эдингиз, бу ерга, — дея яна қизиб сўради Карим. — Ҳ, дўстим, арзиман нарса керак эди. Эзингиз биласиз, заводда ишлайман. Иккинчи сменадан кеч қайтаман. Зинистон кўчадан юравериб, тўғриси жонга тегди. Шунинг иложини қилиш мақсадида фонарь қидириб юрбман. Карим дўстининг бу гапларига аввалига ишонмади. «Фонарь кўтариб юришга нима ҳожат», дея ўйлади у ва дўстини яна саволга тугтди. — Ҳ, дўстим, арзиман нарса керак эди. Эзингиз биласиз, заводда ишлайман. Иккинчи сменадан кеч қайтаман. Зинистон кўчадан юравериб, тўғриси жонга тегди. Шунинг иложини қилиш мақсадида фонарь қидириб юрбман.

қомат қилувчилар ўз кўчаларига симбўчлар ўратилиб, чироқлар ёнишини жуда жуда истамади. Илчи, Уйғур кўчаси билан Шароф кўчаларининг оралиғидаги жойда 123-мактаб, 217-боғча ва ёғин кинотеатр ҳам жойлашган. Ана шу ер одамлар билан доим гавжум бўлади. Бироқ, кўчанинг эмиссонлигидан жуда қийналмоқдамиз. Энди нима қилсам экан...»

— Бекорга ранжитилди. Мана, мен гапирай, сиз эшитингиз, — дея Сафар ва сўнда давом этди: — бизлар турадиган кўчалар чиндан ҳам тунлари зинистон бўлади, айниқса қариялар ва болалар бундан қийнашади. Менга ўхшаб ишдан кеч қайтадиганларнинг қўлида эҳтиёт шарт фонари бўлмаса, чўнқирга тушиб кетиши аниқ... Келинг, энди, ўз ишларингиздан гапиринг... Карим дўстига қалти ҳазил қилганидан афсусланди. Сафар бирварақайига 4 та фонарь олиб дўсти билан магазиндан ташқарига чиқди. «Дўстим билан ана шу учрашган кунимдан бери жуда ҳижолатдаман, — деб ёзибди ўз хатига С. Муҳамедов. Нима қилайлик ахир? Бешқайрағоч массивидаги Илчи кўчасида исти-

рида ҳақсала бўлиши керак-да! Ҳамма гап ана шунда қолган! БУЗИЛГАН КАЙФИЯТ Энгельс кўчасидаги савлатидан ҳатто от ҳурчидиган 1-фотосалон минжозлар билан гавжум эди. Набат Муҳаммад-жонга келгач, суратини студга ўтиришга таклиф этди. — Йўқ, мен эмас, ўғлим суратга тушмоқчи эди. Амакисиз, шу ўғлимнинг суратини чиройли қилиб олиб бериш, — дея илтимос қилди Муҳаммад-жон. — Қозонда бори чўмига чиқади, анаси, қани ўғлингизни туширишга лойиқ. Лекин бунинг учун шаҳар электр тармоқлари корхонаси раҳбарла-

А. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Муқимий номидаги ўзбек Давлат музыкали театри директори

— Л. Умарова ширин мақсадида театр контролёрлари иштрокида йилнинг ўтказилиб, уларнинг қонираси наладанлиги кўрсатиб ўтилди. Мазкур ахвол танорланмаслиги учун бир қатор тадбирлар белгиланди. Театр атрофидаги территория ободон-чилик масаласига



Социалистик мусобақа гольби М. Жўраева бир неча йилдан бери Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги ишлов ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-филидада меҳнат қилмоқда. Пешқадим тикувчи пошта-телефон буюми ижтисодиёт тўғрисида билан кутиб олишга аҳд қилган. Х. Мирзақаримов фотоси.

ШОВҚИН КАМАЯДИ

Биз Акмал Икромов районидagi Абдулхай Тожиев кўчасининг 3-прозидида яшайми. Яқинда маҳалламизга ветеринария шифхонаси кўчириб келтирилди. Шундан кейин бу атрофдаги аҳолининг тинчлиги бузилди. Даволашга келтирилган итлар шовқини кечкундуз тинмайди. Бунинг устига итлар даволанадиган шифхона аҳоли зич бўлган кўчада жойлашгани бизни ҳайрон қолдирапти. С. АЛИЕВ.

Т. ҲОШИМОВ,
Тошкент шаҳар ветеринария-санитария станциясининг бошлиғи

— Акмал Икромов шифхонасида фақат итлар эмас, балки барча уй ҳайвонлари кўриладиган ўтказилиб кўрилади ва даволанади. Шу сабабли бундай даволаш муассасасини район ўртасида жойлаштиришдан мақсад уй ҳайвонлари бўлган аҳолига қулайлик яратишдир. Станциямиз ходимлари газетхон С. Алиевнинг ариаси юзасидан текшириш ўтказишди. Ҳозир ветеринария станциясида санитария қондала-

«ВАЪДАБОЗЛАР»

Газетамизнинг 1983 йил 8 апрель сонида юқоридagi сарлаҳда остида босилган мақолада «Эгарчи» маҳалласи билан Навоий кўчаси оралиғидаги йўлларнинг носозлиги тақдир қилинган эди. Мақолада Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармасидан жавоб олинди.

Унда хабар қилинган баён этилган шича, Бош бошқарма фактлар рўй берганлигини аниқланди. Камчиликларни бартараф

МОНТАЖ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНДИ

Шаҳар «Водоканал» трести раҳбарлари Киров районидagi Радинальнa кўчасида канализация ўтказиш ишларини бир неча йиллардан буюн ортиқга суриб келишмоқда. Биз бу тўғрисида

3. СОЛИХУЖАЕВ,
«Водоканал» трести бошлиғи

— Мақтуб автори Раҳимжоновнинг эътироси мутлақо тўғри. Ҳақиқатан ҳам Радинальнa кўчасида канализация ш т и



Шу кунларда шаҳримиз ўзининг 2000 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Жойларда ободонлаштириш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳримизнинг Ленин кўчаси ҳам кун сайин чирой ояпти. СУРАТДА: мазкур кўчанинг кундан-кунга обод бўлиб бораётган турар жой бинолари қисми. С. Маҳкамов фотоси.


Хат босилмади, аммо чора қўрилди

ИШЧИЛАР ТАЛАБИ АСОСИДА

Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси ишчиларининг редакцияга ёзган хатига норхонанинг пластмасса цехида иш шартини оғирлиги, қишда совуқ, баҳорда зах эканлиги сингари қатор камчиликлар борлиги, маъмурият эса бунга эътибор бермаётгани тилга олиб ўтилган эди. Бу хат текшириш ва чора кўриш учун корхона маъмуриятига юборилган эди. У ердан жавоб олинди.

Фабрика директори Н. Шарофжоновнинг хабар қилишича, фабрикада ҳақиқатан ҳам марказий иситиш системаси йўқ. Ишлаб чиқариш цехларини иситишдан алоҳида система мавжуд бўлиб, унинг қуввати бутун цехларни иситишга етмайди. Корхона маъмурияти фабриканинг иситиш системасини шаҳар марказий иситиш системасига улаш чораларини кўрмоқда. Аини пайтда бу масала район партия комитети назорати остида ҳал қилинмоқда.

Фабрика ишчиларининг иш шартини яхшиллаш ва бундан ташқари пластмасса цехида ремонт қилинади. Қолган цехлар эса биринчи кварталдаёқ тўла таъмир қилинган. Аини пайтда пластмасса цехида таъмир ишлари бошлаб юборилди.



АТОҚЛИ тожик совет ёзувчиси Жалол Икромий ўзбек китобхоналарининг қалбини ром этган. Унинг кўпгина асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Жалол Икромий 1909 йилда Бухорода туғилган. Унинг «Шодия», «Айбодорман», «Олов қизи» романлари, «Бухоронинг ўн икки дарвозаси» трилогияси, ўнлаб қисса ва ҳикоялари, пьесалари чоп этилган. Бу асарлар рус, ўзбек ва бошқа қардош халқлар тилларида ҳамда чет элларда босилган.

Жалол Икромий Рудакий номдаги Тожикистон ССР Давлат мукофоти лауреатидир. Унга Тожикистон ССР халқ ёзувчиси унвони берилган. Бугун у «Тошкент таронаси» конкурсида «Тошкент тонги» публицистик мақоласи билан қатнашмоқда.



Жалол ИКРОМИЙ,
Тожикистон ССР халқ ёзувчиси, Рудакий номидаги Тожикистон ССР Давлат мукофоти лауреати.

ТОШКЕНТ ТОНГИ

«Тошкент оқшомини» газетасидан хат олдим. Бу қадимий ва буюк шаҳар ҳақида хотирларини ёзиш жуда қувончли. «Тошкент оқшомини» газетасига аввало Тошкент тонги борасида ёзмақ чилан. Чунки икки минг баҳорини кўрган бу гўзал ва динрабо шаҳарнинг тонги ҳаммиса сўлимдир. Бу шаҳарнинг тонги бору шони йўқ! Чунки бу шаҳар бағрида яшаб, ишлайдиган одамлар Октябрь тоғида туғилди, ҳаммиса зулматга, бахтидорликка қарши курашганлар; улар Тошкент уфқида зулмат пайдо бўлишига асло йўл бермайдилар.

Мен буюк Фирдавсийнинг «Шохнома»да Тошкент номини учратдим. Фирдавсий даврида Тошкентни «Чоч» деб атайдилар ва у замоннинг хунаранд камонсолари «Чоч» овозасини оламга таратгандилар. Фирдавсий ҳам ўз қаҳрамони Рустамни «чочни камони» билан қуролантиради:

Чочни камонини олиб қўлига...
Рустамни дoston чочик камонининг ўқи билан

халқининг ашаддий душмани — Ашқбусни ер бўлган ясон элади. Чоч камонсолари барҳаётдилар. Улар Улуғ Ватан уруши йилларида даврий мизининг русталарига кирувчи самолётлар, автоматлар ва бошқа тизим-йил арювлар тайёрлаб бердилар. Ашқбус авлоди — тилчиларини тору мор этишда жонбозлик кўрсатдилар.

Тошкентлик камонсоллар 1917 йилда Октябрьнинг мусофиро тоғига пешовз чиқиб, зулмат пардасини йиртиб, ўз камонларининг ўқи билан аксилчиллобчиларини, миллатчиларини, пантуркистларини, босмачиларини ер тиллатдилар; ҳаётимизнинг содалти тонгини барқарор этдилар, зулматли шомларга узил-кесил чек қўйдилар.

Тошкент шаҳридан Октябрь индоси Урта Оснб халқларига етди; Урта Оснбнинг барча шаҳарлари озодлик, бахт-саодат, янги ҳаёт пайғомини Тошкентдан тингладилар. Бу шаҳардан янги илму фан ва маданият нурлари ёйилди; бу шаҳардан ризку рўз ва нону насоба олдилар. Тошкентни ифтихор билан «нон шаҳри» дейишлари бежиз эмас. Бу шаҳардан Октябрь мевалари — тинчлик, оқсоқиллик, қувончли ҳаёт Урта Оснбнинг барча халқларига бориб етди.

Ҳа, Тошкент Урта Оснбда инқилоб шарбади эди. Бу ерда Куйбисов, Фрунзедай саркарданлар мардоналикнинг буюк намуналарини кўрсатдилар. Бухоронинг коммунистлари ва инқилоб чавандозлари амрининг зулмидан Тошкентда паҳоқ топдилар ва шу шаҳардан амрлик зулмига қарши қуролли ҳужумга ўтдилар, амрликнинг қонли тож-тақтин тупроққа кўйдилар. Бу шаҳардан тожиклар, туркманлар, қирғизлар, қозоқлар ҳар томонлама ердан олдилар.

Ҳа, Тошкент қадимий тарихий шаҳар, қаҳрамонликлар шаҳри, социализмни инқилоб шаҳри.

Мен бу шаҳарга илк бор 1926 йилининг ёзда келгандим. Уша вақтлар Бухорода ўқирдим. Дорулмуаллимини ётоқхонасида истиқомат қилардим. Бухорода янги ҳаёт, маданият унча раванқ топмаганди. Аммо дорулмуаллимини бор эди, Иби Сино номидаги китобхона, кинотеатрлар,

Регистонда цирк, халқ уйи бор эди. Китобхонага аъзо эдим. Китоблардан шаҳарлар ва мамлакатлар хусусида баъзи маълумотларни билиб олгандим. Аммо Бухоро туманларини ва Когондан ўзга жойини кўрмагандим.

Ёзи таътил вақтида суд идорасида ишлайдиган мандан ёш улугорқо амакивачаларимдан бири олпуска олиб, Тошкент ва Самарқанд саёҳатини ихтиёр этди. Менга бирга боришни таклиф этди. Мамунунят билан розилик билдирдим. У вақтлар поезд билан бориш учун кўрпа-ёстиқ, чойнак, пилёна ҳам олардилар. Биз минган поезд учма ёмон эмасди. Аммо вагонлари умумий эди. Тахтадан ўрнатилган кроватларга ўтирдик. Қувончим ичига сиғмасди. Деразадан ҳеч кўз узолмасдим: янги-янги манзаралар кўз ўнгимдан лип-лип ўтарди. Неларни кўрмасдим: кенг дала, паст-баланд қир-адир, дарёлар, боллар, яшил экинзорлар, катта-кичик станциялар, бозорлар...

Ихтиёр, бир кечаю, икки кун ўтганда Тошкентга етдим. Ажабо, қаерга боришимизни, қаерда тунамизини, агар ишимиз ўнгидан келмаса, кимдан мадад сўрашимизни... сафар олдан ҳам ўйланмаган эканмиз. Ҳаёбу деб йўлга отланбимиз, келаверибимиз!

Тошкентнинг жуда кенг, шўхули, аммо тумонат одам ва шовқинга тўла станцияси менни ҳайратга солди. Трамвайга миниб, меҳмонхонага борамиз, деди амакивачам. Меҳмонхонада «жой йўқ» дейишди. Нима қилшимизни билмасдан ҳайрон бўлиб турдик. Шу пайт меҳмонхона қоровули жонимизга оро кирди.

— Борадиган жойингиз йўқми! — сўради у меҳрибонлик билан.

- Йўқ.
- Қаерлиқсиз!
- Бухориданмиз.
- Тошкентга биринчи марта қелишимизми!
- Ҳа.
- Ундай бўлса, агар хўп десаларинг ёрдам беришим мумкин.
- Қошиқ эди!
- Тошкент катта шаҳар, бу томон янги шаҳар, у томон эски шаҳар. Ҳар тили одамлар уч-

райд. Аммо мусофирга ёрдам бериш кони сабо! Ҳозир ўғлимни сизларга қўшаман. У сизларни эски шаҳарга, Шайхантаҳур деган жойга олиб боради. У ерда бир давлатман, мусофирпарвар одам яшайди. Ҳовясини, меҳмонхонаини сизга ўзшаган мусофирларга бериб қўйган. У ерда истаганингизча яшашингиз мумкин.

Меҳмонхона қоровули кўзимга эзгулик фаришасидек кўринди. Чунки мусофирчиликда жонсиз, кимсасиз қолишдан ёмон йўқ. Бун меҳмонхона ходими «жой йўқ» деб касса дарчасини юзимизга шарт ёлганда тушундим ва шундай воқеа ўз беришини олдиндан ўйланмаганимизга пушаймон бўлдим.

Қоровулининг ўғли йўл кўрсатиб борарди. Илк трамвайга чиқдим. Айтгандай, мен трамвайн илк бора кўриб турардим. У менга жуда ёқди: ҳам тез йўл юради, ҳам вагонини поведникндай кенг, ҳам йўл кираси арзон...

Шайхантаҳур пештоқида «Куллу хайр ва илло фасқу!» деган ёзу бор эди. Маъносини «е хайр дегин, ё гапирма!» эди. У вақтлар трамвай эгри-бурги кўчалардан юрардим. Баъзи станцияларда юзма-юз келатган трамвайн кутиб турардим. Чунки йўл битта эди. Ихтиёр, Шайхантаҳурга етдим. Аммо биз Шайхантаҳур томон юрсакдан, аксинча катта йўлдан ўтиб, пастга қараб қўзилган тор кўчага кирдик. Тор кўчанинг охирида катта ҳовли кўринди. Қоровулининг ўғли бизни ҳовлига бошлади. Ҳовли суясында бошқа чуст дўппи, эғнида узун камазу, унинг устидан олача яхтак кийган ўрта яшар озғин бир киши ўтирарди. Юк кўтариб келатганимизни кўриб ирғиб ўрнидан турдию очик чебра билан:

— Келингар, меҳмонлар, марҳамат! — деди.

— Уш унингиздай билингарлар.

Уш эгасининг меҳмондўстлиги бизни хурсанд қилди. Кимлигимизни, қаердан, не мақсадда келганимизни сурштириб билганидан сўнг деди:

— Меҳмонхонада сизлар учун иккита бўш жой бор. Марҳамат, юнгиғизини олиб киринг ва агар истасангиз нону чў бурояр...

— Раҳмат! — деб меҳмонхонага кирдик. Меҳмонхона жуда кенг эди, учта катта деразали.

сахнига гўлалар тўшалган. Тўрт томонда йиғиштирилган кўрпа-ёстиқлар. Савкиз киши ётиб-туришини пайқаш қийин эмасди. Бизнинг жойимиз эшикка яқинроқ — тўққизинчи ва ўнинчи бўлди.

Жой топдик! — деди амакивачам. — Энди томошлага борсак ҳам бўлади. Аввал эски шаҳарни кўраймиз.

Мен розилик билдирдим. Уш эгаси ҳовлига қадим қўйишимиз билан сувага ўтиргизиб, дастурхон ёзиб, нон ушатди, чою қанд-курс қўяди ва маслаҳатнома деди:

— Оч қорин билан томошлага бориб бўлади-ми! Истаганингиз шу ҳовлида топиллади. Чой ичиб, томоша қилиб, соат роса беш бўлганда етиб келингар. Мабоодо ҳовлин томондан адашиб юрманг. Шу ерда оқватланамиз. Кўчада қоринини тўйдириб келманглар.

Биз унинг барча айтганларини маъқуллаб, шаҳар томошасига отландик. Катта йўлдан ўтиб, зиналар билан Шайхантаҳур дарвозасига қадим қўйдик. Катта дарвоза доим очик турарди. Ҳовли ичиде катта дарахтзор, икки-уч чойхона ва ошхона кўзга чалинди. Ариқ тўла сув, катта ҳовуз жимирлаб турарди. Бир оз сайр қилиб, трамвайга ўтириб, эски шаҳарга йўл олдик. Ҳадрадан ўтиб Жангоҳга етдик. Бозорини кўриш иштиёқи туғилдию одамлардан йўл сўраб, бозорга кирдик. Эски шаҳар кўрилиш жиҳатидан Бухоридан унча фарқ қилмасди. Аммо бозори жуда улкан ва одамга лиқ тўла эди. Тошкент бозорининг мевафуршулари бизни ҳайратга солдилар. Улар озода, қаққон, ширинсўз эдилар. Ҳеч бир харидор лоқайд ўтолмасди. Олма, нон, шафтоқ, узум ва бошқа хилма-хил меваларни чўнамал чироқли терингандиларки, «шириниқома» олмасдан ўтолмайди.

Яна трамвайга миниб, «меҳмонхона»га етдик. Соат кечки бешга яқинлашиб борарди. Ҳовлида мусофирлар деврли тўпланиб турардилар. Улар ўртасида бухороник ҳаракатчан ва сўзаклол бир йиғит бизни кўриб жуда қувонди. Сўнгра меҳмонхонада дастурхон ёзиб, уч лаган-

да палов келтирдилар. Уш эгаси ва унинг болалари ҳам биз билан давра кўриб ўтиришарди. Палов жуда лаззатли туюлди. Аммо тезорин ютдию, сустроғи ютмади. Яъни тез-тез ошмайдигани тўйдикю, баҳузур чайнайдигани армонда қолди. Бир-икки пилёна чой ичгандан сўнг бухороник йиғит кечаси янги шаҳарга бориб, Горький номидаги истироҳат боғини сайр этишга таклиф қилди. Шаҳарнинг эўр томошагоҳи уша жой, деди. Биз бу таклифни мамунунят билан маъқуллаб, янги шаҳарга йўл олдик.

Янги шаҳар ҳақиқатан ҳам янги эди. Унинг кенг ва ички томонда дарахтлар гурирлаб ўсган, кўчаларида автомобиллар, трамвайлар, фойту ва арвалар қатнади. Боғда тумонат одам. Ҳамма жойда ранг-баранг гуллар, ҳамма жойда тартибу қонда. Қоронги тушини билан элктр чироқлари нур таратди. Боллар ва кўчалар нурга фарқ бўлди... Ҳар тусдаги чироқлар, кинотеатрлар пештоқларида йўноқи чироқлар менни махлиб этганди. Одамлар чеҳрасида қувонч, эғнида губор тегмаган кийимлар. Узанин арсоналар оламиде ҳис этардим. Еш-яланларнинг кўнгириқдай қулгилари, ўйинлари, чарпаллақда учушлари... Йўқ, йўқ, бу ҳақиқатан ҳам арсонавий беҳишнинг узинмаси!

Тошкентга қилган илк сафаримдан олган таассуротларни жуда кечатгай қўз ўнгимдан кетарди. Афсуски, у сафарда бирор илмий муассаса, бирор музей ё театрини кўрмадик. Хол-буки бундай муассасалар бор экан. Тошкент йиғирманчи йилларда ҳам маданият шаҳар ва илму фан марказларидан бири эди. Биз бўлсак бир-икки марта кино кўрдик ҳоло! Еш эдим, тажрибамиз кам эди, Тошкентда ҳеч кимни танимасдик...

Аммо бора-бора Тошкент ўз уйимиздай бўлиб қолди. Тошкентда тожик дорулмуаллимини очлди ва бу илму маърифат маскани учун мухташ билан биноларини биричи, шаҳар марказида — М. Горький номидаги боғ ёнида қад кўтарган қошонан акратдилар. У гўё Тожикистоннинг Тошкентда жойлашган бир парча тупроғига ўхшарди. Бу даргоҳда Тошкентнинг забардаст ўқитувачилари, олиму фузаларини сабоиб барбардилар, То-

жикистон учун илмий қадрлар тайёрлардилар. Шу илм қошонасида таълим олган кўпгина олимлар, ёзувчилар, журналистлар ва ўқитувачилар Тожикистонда ишладилар ва уларнинг бир-қисми ҳозиргача гайрат билан меҳнат қилмоқда. Марҳум Мирзо Турсунзода, ёзувчи Сотик Улуғзода, муаллим Ҳимнат Раҳматуллоев, Бухоризода, журналист М. Самадий ва кўпгина илму ва ҳунар соҳиблари ана шу дорулмуаллимиде тарбия олганлар. Уттизинчи йилларда Тошкентга борганида ана шу дўстларим уйда тунардим, бора-бора танишлар ва дўстлар давраси кенгайиб борарди. Сўнгра меннинг синглиларим Тошкентда турмуш қурдилар ва бизнинг бир инди-элимиз бу шаҳарга ўрнашди. Ҳозир ҳам меннинг синглиларим Тошкентда яшайдилар. Бундан ташқари, Тошкентда азиз ва меҳрибон, қилин дўстларим қўп. Маъмур сўз устларини Габурус Гулом ва Абдулло Каҳҳор билан бўлган учрашуларимни асло ёдидан чиқмайди. Мухтабар Шароф Рашидов, Зулфия, Уяғун, Комил Ишин, Сарвар Азимов, Раҳмат Файзий, Назир Сафаров, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Олдн Кўбоб, Пирмукул Қодиров ва бошқалар ҳар сафар Тошкентга борганида кўчоқ очиб кутиб оладилар.

Алқисса, Тошкент меннинг иккинчи уйимга айланди. Тошкент Тожикистонга катта ёрдам берди ва ёрдам бермоқда! Республикамаида қадрлар етишмаган вақтларда Тошкент ўз жигарғушларини Тожикистонга юборди ва улар ҳаётимизнинг барча жаҳалариде тер тўқиб, ўз улушларини қўйдилар. Энди ҳам кези келганда мадад қилини даринг тутмайдилар.

Тошкент ва ўзбек халқлари дўстлиги қадим замонлардан бири барқарордир. У ҳозир гуллаб-шарнамоқда. Бу дўстлик, бу биродарлик ва ҳамжиҳатлик ҳаётимизий сўлим, бахтимизини нурафшон ва давру давронимизни содалти қилмоқда.

Қадимий ва тарихий Тошкент шаҳрининг икки минг йиллик тўйи навқирон Душанбе учун ҳам улкан байрамдир!

Ҳа, Тошкент шони ўтиб кетди, энди унинг мусофиро тонги шуьда сочмоқда!

Душанбе шаҳри. 1983 йил, май.



ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЗАРБДОР МЕХНАТ

ПРАГА. Чехословакияда машҳур бўлган Соколово кўмир ҳавзасининг коллективий йил бошидан буён белгиланган план топишириларида анча ўзгаришлар бўлди. Махаллий қончилар тўрт ой мобайнида кўмир қазиб чиқариш юзасидан йиллик планининг қарийб ярмини ҳозирлаб оқиб қўйдилар. Улар бу муваффақиятга социалистик мусобақа кенг қўлоқ ёзганлиги, барча ишлаб чиқариш бўғинларининг иши яхши ташкил этилганлиги, жануби-Гарбий темир йўл ходимлари билан ҳамжиҳат бўлиб ишлаш туфайли эришдилар. Бу темир йўл ходимлари кўмир ташини учун вагонларни — узлуксиз етказиб бериб турдилар.

Соколово шахтёрларининг зарбдор меҳнати — ишлаб чиқаришнинг ички резервларини янада самаралроқ фойдаланиш, мамлакатда энергия истеъмол қилиш умумий структурасида қилинган каттиқ турларнинг ҳиссасини кўпайтириш тўғрисида КПЧ XVI съезди қарорларини бунун тармоқ корхоналарининг баҳаришига қўшилган муҳим ҳиссасидир.

ДЕХЛИ. Ҳиндистонда И. Ганди ҳукумати ишлаб чиққан 20 модалдан иборат программа содал-иқтисодий ривожланиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилмоқда. Ҳиндистоннинг территорияси жиҳатидан энг катта Мадряс — Прадеш штатида халқнинг турмуш даражасини ошириш ишида каттагина муваффақиятларга эришилди, деб ёздади «Нэшл геральд» газетаси.

Штат ҳукумати ўтган молия йилининг ўзидеги кам таромиди 23 миң долларга ўй-йой қурилишида ёрдам берди. Бу планда кўзда тутилганидан икки ярим баравар кўпдир. Шу давр ичиде кўроқчилик ва оқс районлардаги 7 миңдан кўпроқ қишлоқ ичимлик суи манбалари билан таъминланди, минглаб аҳоли пунктларида алоқа ва электр линиялари ўтказилди. Бир йилининг ўзидеги Мадряс — Прадеш штатининг турли районларда 200 га яқин янги соғлиқни сақлаш маркази очилди. Штатда катта ёшдаги ҳиндилардан 233 миңдан ортиқ киши саовидлигини тугатиш қўрсатилди. Ҳиндистоннинг мамлакатда ўтмиш мустамакатдан мерос бўлиб қолган илсизлик ва қашшоқлик каби кескин проблемаларини ҳаёт этишда муҳим роль ўйнайди. Утган йили марказий ҳукумат мазкур программани амалга ошириш учун 83 миллиард рупиядан ортиқ маблағ акратди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЁРДАМИДА

МАНАГУА. Пальмазорлар бўйлаб қад кўтарган полилинкича илтифотли ёзувчилари, тепалиқларда жойлашган диагностика хизмати, хирургия бўлимининг кенг бинолари — Никарагуада Совет Иттифоқининг ёрдами билан қуриладиган 400 ўрилли госпиталнинг қозоғиде лойиҳаси асла шундай қўрилади. Қўп вақт ўтмай, Манагуадаги Биринчи май номи билан аталадиган ишчилар райони яқинида кенг дашта медицина маркази қад кўтарди. Бу Никарагуа — Совет дўстлигининг яна бир рамзи бўлиб қолади.

Никарагуа соғлиқни сақлаш министри Леа Гидо хоним госпитални қўриш тўғрисидаги протоколни имзолаш маросимида гапириб, Америка империализми ҳамда сосоачи тўлиқларнинг агрессияси билан жабр-зулм қўрган Саидно революциясига билдириладиган бирдамлик учун СССР халқи ва ҳукуматига чўқур миннатдорчилик ихор этди. Рейган маъмурияти Никарагуа халқи галабаларини йўққа чиқаришга уринаётган бир вақтда, деб таъкидлади у. Совет Иттифоқи маориф, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлашни ривожлантиришда бизга кўмаклашмоқда.

Совет госпитали коллективий Никарагуанин Чинандега департаментиде мащакатли тролик шароитларда меҳнат қилаётганига яқинда бир йил бўлади. Бу давр ичиде врачлар, медицина ҳамширалари деҳқонлар, индеевлардан 80 миңдан кўпроқ кишига шонлининг ёрдам бердилар. Юзлаб мураккаб рақияларни ўтказдилар.

Англия. Булар бошқа планетадан келишган эмас ёки космонавтлар ҳам эмас. Инглиз Ричард Чирхотон баҳорги гуллаш чоғида пайдо бўладиган аллергия касаллигидан ҳимоя қилиш учун ана шундай шлемини ўйлаб топди. Капталестик мамлакатларнинг ирқи шаҳарларида автосибиллар ва химия сановати қиндилари ҳавонини ихоятда флосантланганлиги учун бунга кўп кишилар эҳтиёж сезмоқда.

СУРАТДА: Ричард Чирхотон ўғли ва қизи билан «баҳорги» шлемларини намойиш қилишмоқда.

КОПИ—ТАСС фотоси.

ҚИСКА ХАБАРЛАР

Кубанинг Гувантанамо вилоятидаги тоғли Ятерос райониде аjoyиб ҳайвонот боғи бўниб этилмоқда. Боғидаги 150 та жонивор махаллий тошдан ўйиб ишленди. Истеъдодли ҳаваскор ҳайвонатрош Анхель Ингио бланко планетадаги кўпгина районларнинг ҳайвонот олами вақилларини тасавирловчи 40 дан ортиқ экспонатни йўиб бўлди. Ташаббускор ҳайвонатрош тугаллаган ишлар орасида буринлар тўдасининг сўнгир буюк бузоққа ҳужум қилаётган пайт ақ эттирилган. Йўиб тугалланмаган ноёб ҳайвонот элиқ кубалик ва чет эллик туристларини ҳозирдеёқ ўзига жалб этмоқда.

«Паис» газетаси эълон қилган аҳоли фикрини сўраб билиш маълумотларига кўра, испанлийларнинг 74 проценти Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларини ривожлантириш зарур демуқда. Сўраб қилинган кишиларнинг 82 проценти қарбий хаважатлар қисқартирилиши ва социал эҳтиёжлар, жумладан соғлиқни сақлаш ва маориф учун акратилдиган маблағларни кўпайтирилишини ақлаб гапирдилар.

Испанларнинг асосий кўпчилиги мамлакатнинг НАТО блокидан чиқисини ва шу проблема юзасидан референдум ўтказилишини талаб қилмоқда.

Австралияде 19 миллиондан ортиқ кенгуру Бор. Икки йил девомиде кенгуруларни тарихиде биринчи марта рўйхатга олиш соҳасида янги олиқлар шундай хулосага келдилар. Шу вақтга кенгуруларнинг сонини тўғрисида жуда қарам-қарши маълумотлар бор эди. Яъни уларнинг сонини 5 миллиондан 40 миллионгача деб тахмин қилина эди.



Сасебо шаҳрида япон жамоатчилиги яқинда де Америка «Энтерпрайз» авианосеци қиритилганда бунга қарбий базаларнинг япон тупроғиде жойлаштирилишига қарши намойиш билан чиқдилар.

ТАСС фотохроникаси.

АСОСИЙ БАЗА

ЛУАНДА. Балиқчилик соҳасида Совет — Ангола ҳамкорлиги муваффақиятли ривожлантирилди. Ҳозирги вақтда Ангола — Совет аралаш балиқчилик экспедицияси (1979 йил ташкил этилган) етказиб бераётган ҳисобга Анголанин шундай махсулотлари бўлган эҳтиёжларнинг қарийб 50 проценти қондирилмоқда. Бу соҳада Совет — Ангола ҳамкорлиги бошланганидан бери республикага жами 500 миң тоннадан ортиқ балиқ, жумладан 30 миң тоннаси бепул ёрдам сифатида етказиб берилди. Совет Иттифоқи Халқ Анголосига 4 та замонавий балиқ овлаш кемаси қўриб берди. Бу кемалар республикада биринчи балиқ овланш кооперативининг асосий базаси бўлиб қолди.

НАВБАТ ТЕННИСЧИЛАРГА

БУГУН ТОШКЕНТДА СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ VIII ЁЗГИ СПАРТАКИАДАСИДАН ЖИИ ОЛГАН ТЕННИС МУСОДАЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ. Беллашувларнинг бошланishi арафасида «Тошкент оқшомини» газетасининг муҳбири республикамаидаги спорт базаларидаги теннис стадиониде ўтказилди. Бу базалардаги теннисчилик хизмат хоналари, томошабинларга мўлжалланган ўриндилар, яланғанди ва реконструкция қилинди. «Динамо» стадиониде эса, булардан ташқари спортчилар, тренерлар, судьялар учун дам олиш зонаси ташкил этилди. Матбуот маркази ишлаб турибди. Ўз ўзидан маълумки, Спортчилик спорт базаларида, шунингдек «Динамо» теннис стадиониде ўтказилди. Бу базалардаги теннисчилик хизмат хоналари, томошабинларга мўлжалланган ўриндилар, яланғанди ва реконструкция қилинди. «Динамо» стадиониде эса, булардан ташқари спортчилар, тренерлар, судьялар учун дам олиш зонаси ташкил этилди. Матбуот маркази ишлаб турибди. Ўз ўзидан маълумки, Спортчилик спорт базаларида, шунингдек «Динамо» теннис стадиониде ўтказилди. Бу базалардаги теннисчилик хизмат хоналари, томошабинларга мўлжалланган ўриндилар, яланғанди ва реконструкция қилинди. «Динамо» стадиониде эса, булардан ташқари спортчилар, тренерлар, судьялар учун дам олиш зонаси ташкил этилди. Матбуот маркази ишлаб турибди. Ўз ўзидан маълумки, Спортчилик спорт базаларида, шунингдек «Динамо» теннис стадиониде ўтказилди. Бу базалардаги теннисчилик хизмат хоналари, томошабинларга мўлжалланган ўриндилар, яланғанди ва реконструкция қилинди. «Динамо» стадиониде эса, булардан ташқари спортчилар, тренерлар, судьялар учун дам олиш зонаси ташкил этилди. Матбуот маркази ишлаб турибди. Ўз ўзидан маълумки, Спортчилик спорт базаларида, шунингдек «Динамо» теннис стадиониде ўтказилди. Бу базалардаги теннисчилик хизмат хоналари, томошабинларга мўлжалланган ўриндилар, яланғанди ва реконструкция қилинди. «Динамо» стадиониде эса, булардан ташқари спортчилар, тренерлар, судьялар учун дам олиш зонаси ташкил этилди. Матбуот маркази ишлаб турибди. Ўз ўзидан маълумки, Спортчилик спорт базаларида, шунингдек «Динамо» теннис стадиониде ўтказилди. Бу базалардаги теннисчилик хизмат хоналари, томошабинларга мўлжалланган ўриндилар, яланғанди ва реконструкция қилинди. «Динамо» стадиониде эса, булардан ташқари спортчилар, тренерлар, судьялар учун дам олиш зонаси ташкил этилди. Матбуот маркази ишлаб турибди. Ўз ўзидан маълумки, Спортчилик спорт базаларида, шунингдек «Динамо» теннис стадиониде ўтказилди. Бу базалардаги теннисчилик хизмат хоналари, томошабинларга мўлжалланган ўриндилар, яланғанди ва реконструкция қилинди. «Динамо» стадиониде эса, булардан ташқари спортчилар, тренерлар, судьялар учун дам олиш зонаси ташкил этилди. Матбуот маркази ишлаб турибди. Ўз ўзидан маълумки, Спортчилик спорт базаларида, шунингдек «Динамо»

